

«ТАСДІҚЛАЙМАН»
Амударё тумани МТБ мудирин
Е.Садикова
« 5 » 2022 йил

**Бажарувчи ташкилотни танлаб
олиш учун**

ТАНЛОВ ҲУЖЖАТИ

Маунит шахри 2022 йил

Танлов хужжатларининг мазмуни:

1. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома
2. Техник қисм
3. Нархлар кесими

ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

1.1 Танлов предмети: Амударё тумани Мактабгача таълим бўлими тасарруфидаги Мактабгача таълим ташкилотларига идиш-тавоқлар етказиб бериш.

№	Товарлар номи	Улчов бирлиги	Сони	Баҳоси	Жами баҳоси
1	Чашка диаметри 7 см, баландлиги 9,5 см, сизими 250 мл. Форфордан тайёрланган.	дона	2 000	13 000	26 000 000
2	Биринчи таом учун диаметри 20 см-дан 24 см-гача бўлган 0.5 литр хажмдаги коса. Форфордан тайёрланган.	дона	3 300	13 000	42 900 000
3	Иккинчи таом учун диаметри 24 см-дан 32 см-гача бўлган тарелка. Форфордан тайёрланган.	дона	3 300	13 000	42 900 000
4	Салат учун диаметри 15 см баландлиги 6 см хажми 270 мл бўлган идиш. Форфордан тайёрланган.	дона	680	8 000	5 440 000
5	Казан диаметри 640мм, ўлчамлари 65*65*30 см, сизими 50 л, материал чуғун.	Дона	4	350 000	1 400 000
ЖАМИ:					118 640 000

1.2 Танловнинг юқори қиймати **118640000** (Бир ўн саккиз миллион олти юз қирқ минг) сўм. Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

1.3 Маҳсулот бўйича Техник топширик танлов хужжатларининг техник қисмида илова қилинган

1.4 Ушбу танлов якунлари бўйича голиб чиқган бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.

1.5 Етказиб бериш муддати: Голиб бўлган катнашчи билан шартнома газначилик бўлиmidан рўйхатдан ўтган кундан бошлаб 7 кун ичида.

1.6 Товарларни етказиб бериш муддати – аванс маблағи ўтказилган кундан бошлаб ҳисобланади.

2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1 Амударё тумани МТБ (бундан кейин-“Буюрмачи” деб аталади) – танлов ташкилотчиси хисобланади.

2.2 “Буюрмачи” манзили Қорақалпоғистон Республикаси Амударё тумани Манғит шаҳри Олмазор МФЙ Баркамол Авлод шох кўчаси 23 уй Амударё МТБ.

2.3 Танлов “Буюрмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади.

3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1 Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар иш тажрибага эга бўлган барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2 Танловда иштирок этиш учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар қўйилади: танлов айланма маблағларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси;

3.3 Шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муамола ҳуқуқий лаёқат ва ваколатлар;

Иловада кўрсатилган молиявий кўрсаткичларни тақдим этиш; (Махсулот етказиб берувчи тўғрисида маълумот. excel формати кўринишида) Низом маблағ миқдори.

3.4 Агар танлов предмети бўлган товар, (хизматлар)ни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириш зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

3.5 Қуйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:

Қайта ташкил этилиши (ажратилиши, қўшилиши), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар, мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

4 ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ

4.1. Танлов учун таклифлар унга тегишли иловалар ва ҳужжатлар, маълумотлар ўзбек тилида тақдим этилиши лозим.

4.2. Танлов ҳужжатларида қуйидаилар тақдим этилиши лозим:

- Техник қисм, “Буюрмачи” томонидан қўйилган техник талабларни ва бажариладиган ишлар кўрсатилиши керак:

- Нархлар қисми, Танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида, хизматларни бажариш муддатлари, тўловлар тартиби ва яқуний тўловлар ва бошқа шунга боғлиқ кўрсаткичлар кўрсатилган бўлиши лозим:

Танлов иштирокчилари ҳар бир таклифларни электрон ҳолда тақдим қилиниши лозим.

4.3 Қйидаги хужжатлар тўлик бўлиши талаб этилади:

Техник ва нархлар бўйича қуйидаги таклифлар.

Техник хужжатлар рўяхати (солиқдан қарзи йўқлиги тўғрисида маълумотнома, банкдан айланма маблағлар мавжудлиги тўғрисида маълумотнома, малака талаби техник ресурслар мавжудлиги ҳақида, ортиқча хужжатлар жойлаштириш шарт эмас.

4.4 Танлов иштирокчиси:

- фақат битта таклиф бериши мумкин;

- тақдим этилаётган хужжатларни ҳақиқийлиги ва ҳаққонийлигига тўлик жавобгар ҳисобланади;

5. ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ МУДДАТИНИ УЗАЙТИРИШ

5.1 Харид комиссияси танлов учун таклифларни қабул қилиш муддатини барча иштирокчилар учун таълуқли ҳолда эълон қилинган муддатдан яна 5 (беш) календар кунга узайтирилиши мумкин.

5.2 Таклифлар муддатини узайтириш фақат харид комиссиясининг йиғилиш қарори билан амалга оширилади.

5.3 Танлов муддатини узайтириш тўғрисидаги қарор махсу ахборот порталида жойлаштирилиши лозим.

6. ТОМОНЛАРНИ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1 Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда голиб иштирокчиларни аниқлаш ва қарор қабул қилишга жавобгар.

6.2 Танлов иштирокчиси тақдим этиладиган барча хужжатларининг ҳаққонийлиги ва тўғрилиги учун жавобгар. Голиб иштирокчи деб топилган ташкилот қонунчиликда белгиланган тартибда “буюртмачи” билан шартнома тузиш жавобгарлиги юклатилган.

7. БОШҚА ШАРТЛАР

7.1 Давлат буюртмачиси танлов хужжатларига ўзгартириш киритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан қаида уч кун олдин қарор қабул қилишга ҳақли. Товар (иш, хизмат)ни ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов хужжатларига ўзгартиришлар киритилган санадан этиборан қаида ўн кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вақтда, агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш тўғрисида ўзгартиришлар киритилади.

7.2 танлов иштирокчиси танлов хужжатлари қойидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белинган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишга ҳақли. Сўров келиб тушган санадан бошлаб икки иш кун ичида давлат буюртмачисига, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан қаида икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб

юбориши шарт. Танлов ҳужжатларининг қойидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини ўзгартирмаслиги керак.

7.3 Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тўғрисида сўров юборишга ҳақли. Давлат буюртмачиси бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.



«ТАСДИҚЛАЙМАН»
Амударё тумани МТБ мудирининг
С.Садикова

Амударё тумани Мактабгача таълим бўлими
ТЕХНИК ТОПШИРИҚ

№	Асосий маълумотлар	Бажарувчи
1	Номи	Амударё МТБга қаршли МТТларга идиш-тавоқларни етказиб бериш
2	Буюртмачи	Амударё МТБ
3	Буюртма учун асос	Амударё МТБга қаршли МТТларга идиш-тавоқларни етказиб бериш
4	Жойланган ўрни	Амударё тумани
5	Қатнашувчилар учун талаблар	Қатнашувчи ташкилот иш тажрибасига эга бўлган ҳамда ишни сифатли бажариш имконияти мавжуд бўлиши лозим. Иш бажарувчи товарларни МТТларнинг манзилига руйхат асосида етказиб бериш мажбуриятини ўз зиммасига олади.
6	Тижорат таклифларни тақдим этиш шартлари	etender.uzex.uz порталидан электрон жунатилади ва Давлат руйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида гувоҳнома ҳам жунатилиши керак.
7	Бажарилган ишлари ҳисоб-китоби	Белгиланган талаблар асосида энг яхши таклиф тақдим қилиниб шартнома туман газначилик бўлиmidан руйхатдан ўтказилганидан сўнг олдиндан шартнома жами суммасининг 30% миқдори тўлаб берилади. Шартномада кўрсатилган товарлар тулиги билан етказиб берилганда сўнг қолган 70% маблағ тегишли тартибда ҳисоб-фактурага асосан ўтказиб берилади. Бажарилган ишлар учун товарларни МТТга топшириш далолатномасига асосан тўловлар амалга оширилади.
8	Етказиб бериш муддати	7 кун
9	Техника хавфсизлиги бўйича талаблар	Техника хавфсизлиги қоидаларига тўлиқ риоя қилиниши шарт.
10	Молиялаштириш манбаи	Бюджет маблағлари ҳисобидан